

Марказий Осиёнинг XIV-XV аср, яъни Темур ва Темурийлар даврида яшаб ижод этган мохир тарихнавис, ёзма ёдгорликларнинг энг дастлабкиларидан бири — Амир Темур топшириги билан ёзилган. «Зафарнома» асарининг муаллифи Низомиддин Шомийдир.

Низомиддин Шомий хаёти ва ижоди хақида ўз асарларидан баъзи бир кичик-кичик лавхалардан ташкари Ўрта асрлар ёки hozirги замон манбаларида маълумотлар жуда кам. Тугилган йили номаълум. Унинг Шомий ёки Шанби Гозоний нисбаси асосида, у аслида Табриз чеккасидаги Шанби Гозон деб аталган мавзедан бўлган, деб тахмин қилинади. Мавлоно Низомиддин 1398 йилнинг август ойида Амир Темур аскарлари Багдод шаҳрини забт этганликлари хақидаги воқеаларни каламга олар экан, ўзи биринчи бўлиб шаҳардан чиққанлиги, хазрат Соhibкирон билан учрашиб, суҳбатида бўлганлигини эслатиб ўтади («Зафарнома», Тауэр нашри, 1-жилд, Байрут, 1937 й., 139-бет.). Демак, у 1398 йили Богдодда яшаган ва унинг Амир Темур билан биринчи учрашуви ана шу йили содир бўлган. Амир Темур билан иккинчи учрашуви эса «Зафарнома»нинг 1400 йил воқеалари баёнида учрайди. Ўша йили октябр ойида Амир Темур Шом (Сурия) чегарасида жойлашган Халаб шаҳрини камал қилган. Муаллифнинг ёзишича у ўша вақтда Хижоз сафарига кетаётган экан, шаҳар мухофазачилари ундан шубхаланиб тўхтатганлар ва калъа рўбарўсидаги бир бинога камаб қўйганлар. Бу ердан у калъанинг забт этилишини ўз кўзи билан кўрган (Ўша жой, 227-бет). Шу давр муаррихларидан бўлган Хофизи Абрунинг ёзишича, жангдан сўнг Жалол ус-Ислом номли бир амир Низомиддин Шомийни Амир Темур хузурига олиб келган, хазрат Соhibкирон унга илтифотлар кўрғазиб, яхши қабул қилган («Зафарнома», Тауэр нашри, 2-жилд, Прага, 1956 й. 160-бет).

Жумладан, Хофизи Абу яна 1412 йил воқеаларини баён этар экан, Низомиддин Шомийни мархум сифатида тилга олади (Ўша жой, 14-бет).

«Зафарнома»нинг ёзилиш тарихи хақида шуни таъкидлаш лозимки, Мавлоно Шомийнинг ўзи берган маълумотга кўра, хижрий 804 йили (1401 йил 11 августдан 1402 йил 1 август оралиги) Амир Темур уни хузурига чорлаб, ўз юришлари битилган йирик бир асар яратишга ундаган. Соhibкирон ўша даврга қадар мунший ва котиблари тарафидан тузилган битиклар уни кониктирмаганлигини айтган. Ёзилажак асар бир томондан, авом халкка тушунарли, содда, равон тилда ва айни пайтда маърифатли кишилар эътиборига ҳам лойик тарзда ёзилишини уқирган. Мавлоно Низомиддин бу масъулиятни ўз бўйнига олган («Зафарнома», 1-жилд, 10-11-бетлар).

Табиийки, бу учрашувдан сўнг Низомиддин Шомий сарой тарихчиси сифатида Амир Темурнинг кейинги барча юришларида унга хамрохлик қилган. 806 йил муҳаррам ойида (1403, июл-август) Грузиядаги Биртис калъаси забт этилишини ёзар экан, Низомиддин Шомий бу воқеани ўзи кузатганлигини айтади. Шомий юришлардан бирида ийди рамазон муносабати билан йигилган жамоага ваъз айтиб, сўнг ийд намозида пешнамозлик қилган. Бу воқеани машхур тарихнафис Шарафиддин Али Яздий шундай тавсифлаган: «Шу йил рамазон ийдини (806/1404) хазрат Соhibкирон Оби-Оглик ёкасида кутди. Замонанинг балогатли фузалоларидан бўлган ва хазрат Соhibкироннинг эзгуликлари ва фахрли ишларидан бир канчасини баён калами билан ифодалаган Мавлоно

Низомиддин Шанбий йид хутбасининг кироатига ва намозига киришди» (Яздий, «Зафарнома», Тошкент, 1972, 449-6).

Тахминан, шу вақтда, ёхуд бир неча ҳафта кейин Мавлоно Низомиддин Соҳибкирон юришларини 1404 йил баҳоригача етказиб, асарни тамомлаган ва уни Озарбайжондан Самарқандга қайтиш тарадуддида бўлган Амир Темурга тақдим этган (Бундан кейинги — Темур вафотигача (феврал, 1405) кечган воқеалар, кейинрок Хофизии Абуру томонидан «Зайл» — (Илова) тарзида ёзилган.

Низомиддин Шомий «Зафарнома» асарини ёзиш учун қандай манбалардан фойдаланганлиги хусусида, афсуски, на ўзининг ва на замондошлари асарида учрайди. Лекин «Зафарнома» асарини тадқиқ этиш натижасида Шомий қуйидаги манбалардан фойдаланганлигини тахмин қилиш мумкин:

- а) Амир Темурнинг қотиблари назм, насрда форсий, туркий тилларида ёзган қундалиқлар ва битиқлар. Булар Низомиддин Шомий ва ундан кейинги муаллифлар даврида мавжуд бўлган бўлса ҳам, бизнинг даврларга етиб келмаган ёки хали топилганича йўқ;
 - б) муаллифнинг ўзи кейинги 2—3 йил давомида Амир Темур юришлари шохиди бўлган ва ёзиб олган воқеалар;
 - в) Амир Темурнинг Хиндистонга юриши билан боғлиқ воқеалар баён этилган Гиёсиддин Алининг «Амир Темурнинг Хиндистонга юриш қундалиги» асари.
- «Зафарнома» тарихий асар сифатида XIV-XV асрларда Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги давридаги Марказий Осиё, Олтин Ўрдаҳонлиги, Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Ирок, Сурия, Миср, Туркия ва бошқа мамлакатлар тарихига оид воқеаларни ўз ичига олган Асар муқаддимасида Амир Темур тарих саҳнасига чиққан 1360 йилга қадар Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган чингизий ҳукмдорлар ҳақида қисқача маълумот берилган. Сўнгра Амир Темурнинг XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг бошида қилган юришларининг батафсил баёни келтирилган. Асар 1404 йил март ойида Амир Темурнинг Озарбайжонда Аррон Қаробогиди турганлигининг баёни билан якунланиб, унинг вафотигача, яъни, бир йилча вақт ичида содир бўлган воқеалар ёритилмай қолган.

Низомиддин Шомий асарида келтирилган воқеалар силсиласи кейинги тарихнавислар томонидан давом эттирилган. Жумладан, Темурийлар Шохрух Мирзонинг тарихнависи Хофизии Абуру «Мажмуа» («Тўплам») асарини ёзар экан, Шомийнинг «Зафарнома»сидан ҳам фойдаланган ва воқеалар тизмасини Шохрух Мирзо ҳукмронлик қилиб турган 1420 йилгача давом эттирган. Кейинрок, 1423 йили Шохрух Мирзонинг ўғли Бойсунгур Мирзо (вафоти — 1433) фармони билан Хофизии Абуру тўрт жилддан иборат «Мажмуа ут-тавориҳи султония» («Султонга аталган тарихлар йигиндиси») деб аталган асарни ёзишга киришган ва уни 1427 йил воқеаларининг баёни билан тугатган.

Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асари ўзида жамланган тарихий маълумотларнинг ишончлилиги билан XV-XVI асрларданок бошқа асарлар учун бош манбалардан бири бўлиб хизмат қилган. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн» («Икки

саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг кўшилиш жойи»), Фасих Хавофийнинг «Мужмаи Фасихий», Муҳаммад Фазлуллох Мусавийнинг «Тарихи хайрот», Хотифийнинг назмда битилган «Темурнома», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» («Поклик боги»), Хондамирнинг «Хабиб ус-сияр» («Яхши хислатлар») ва бошка бир катор асарлар шулар жумласидандир. Уларнинг хар бирида илгариги асарлардаги воқеалар хар хил тахрирларда кайтарилиши билан бирга бошқаларида учрамайдиган воқеалар тафсилоти ҳам мавжуд.

Шомий «Зафарнома»сининг факат икки кўлёзма нусхасигина сакланиб колган. Биринчиси, Амир Темурга такдим этилган кўлёзмадан 1425 йилда кўчирилган нусхаси бўлиб, у Истамбулдаги «Нури Усмония» масжиди кутубхонасида, 3367-инвентар раками остида мавжуд. Иккинчиси, муаллиф Амир Темурнинг набираси Мирзо Умар баходир ибн Мироншоҳ (вафоти — 1409)га такдим этган кўлёзмадан 1434 йили кўчирилган нусха бўлиб, у Лондондаги Британия музейи кутубхонасида, 23980-инвентар раками билан сакланади.

Таникли матншунос олим Феликс Тауэр мазкур кўлёзмалар ноқис бўлганлиги сабабли, уларни Хофизии Абрунинг «Зубдат ут-таворих» асари билан солиштириб тадқиқ этиш асосида «Зафарнома»нинг икки жилддан иборат илмий-танқидий матнини нашр эттирган. Биринчи жилдига факат «Зафарнома» илмий-танқидий матни киритилган. Иккинчи жилдида эса нашрнинг сўзбоҳиси, кўшимчалар, нусхалардаги фарқлар берилган.

Асар кейинги вақтларда Шарк ва Гарб олимлари томонидан ўрганилиб, ундан қисқартирилган таржималар амалга оширилган. Жумладан, 1949 йили Анкарада Нежоти Лугол деган олим Ф. Тауэрнинг нашри асосида қисқартириб, турк тилида таржима қилган. Ундан ташқари, шаркшуносликка оид бир неча китобларда бу асардан терма таржималар эълон қилинди. Бу таржималар тўлиқ бўлмасида ноёб бўлиб қолган. Шуни назарга олган ҳолда кейинги йилларда ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номи Шаркшунослик институтида «Зафарнома»нинг ўзбек тилига тўлиқ илмий-изоҳли таржимаси Хофизии Абу «Илова»си билан бирга нашрга тайёрланди. Унга институтнинг со-бик кlmий ходими, марҳум Юнусхон Ҳакимжоновнинг Ф. Тауэр нашри бўйича қилинган дастлабки қоралама таржимаси асос қилиб олинган.

А. Ўринбоев